



QARORI

ҚАРОРИ

«15» 07 2020 yil

№ 620

Beshariq shahri

Бешариқ тумани Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи худудидан фуқаро Мусурмонқулов Одилжонга қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 55-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб Бешариқ тумани, Дала-Х. Олимжон МФЙ нинг 12.06.2020 йилдаги 7-сонли маълумотномасига, солик тўлови тизимини тартибга келтириш мақсадида фуқаро Мусурмонқулов Одилжонга қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш тўғрисидаги тўпланган хужжатларни кўриб чиқиб амалдаги ер тўғрисидаги қонунларга асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бешариқ тумани, Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи худудидан фуқаро Мусурмонқулов Одилжонга қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун туман доимий комиссиясининг 2020-йил 15 июн кунги далолатномаси маъқуллансин.
2. Фуқаро Мусурмонқулов Одилжонга Бешариқ тумани Товул МФЙ Янги Хаёт қишлоғи худудидан қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришга ихтисослашган дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган Бешариқ Парранда массиви қишлоқ хўжалиги ер харитасининг 34-контур қисмида жойлашган 0,28 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони умрбод эгалик қилиш хукуки уй жой қурмаслик шарти билан ажратиб берилсин.
3. Фуқаро Мусурмонқулов Одилжонга дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун берилаётган 0,28 гектар ер майдонига ягона ер солиги тўловини тартибга келтириш мақсадида белгиланган миқдорда солик ундириш, туман солик инспекцияси бошлиғи (Т.Хусанов) Товул МФЙ раиси (Б.Бозаров) ларга топширилсин.
4. Ушбу қарорни тасдиғи Халқ Депутатлари туман кенгашидан сўралсин.
5. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари С.Артиқов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Р.Жўраев